



THE CURRENT STATE OF MIGRATION PROCESSES IN THE MIDDLE EAST ARAB COUNTRIES

Durdona I. Madaminova

Candidate of Political Science, Associate Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: d_madaminova@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Migration, migration processes, globalization processes, UN resolution, Middle East, demography, labor emigration, commercial emigration, forced emigration, intellectual emigration.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: This article is devoted to revealing the impact of migration processes on the socio-economic development of the Middle East Arab states. The article examines the main causes of migration of population of the Middle East, the period of their growth and their impact on the socio-economic and cultural development of sending and receiving countries.

Яқин шарқ араб давлатларида миграцион жараёнларнинг замонавий ҳолати

Дурдона И. Мадаминова

Сиёсий фанлар номзоди, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: d_madaminova@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Миграция, миграцион жараёнлар, глобаллашув жараёнлари, БМТ резолюцияси, Яқин Шарқ, демография, меҳнат эмиграцияси, тижорат эмиграцияси, мажбурий эмиграция, интеллектуал эмиграция.

Аннотация: Ушбу мақола миграцион жараёнларнинг Яқин Шарқ Араб давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсирини очиб беришга бағишланган. Мақолада Яқин Шарқ Араб давлатлари мисолида аҳоли миграциясининг асосий сабаблари, уларнинг кучайиш даври ҳамда юборувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига таъсирига оид масалалар ўрганилган.

Современное состояние миграционных процессов в арабских странах Ближнего Востока

Дурдона И. Мадаминова

Кандидат политических наук, доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: d_madaminova@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Миграция, миграционные процессы, глобализации, резолюция ООН, Ближний Восток, демография, трудовая эмиграция, коммерческая эмиграция, вынужденная эмиграция, интеллектуальная эмиграция.

Аннотация: Данная статья посвящена выявлению влияния миграционных процессов на социально-экономическое развитие арабских стран Ближнего Востока. В статье рассматриваются основные причины миграции населения, период их роста и влияние на социально-экономическое и культурное развитие отправляющих и принимающих стран на примере арабских стран Ближнего Востока.

КИРИШ

Аҳоли миграцияси янги китъа ва худудларни кашф этиш ва уларни ривожлантиришга ҳисса қўшган ноёб тарихий ҳодиса бўлиш билан бирга, бугунги кунга келиб, у кўплаб давлатларда муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этник-маданий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Тобора глобаллашиб бораётган ҳамда барча соҳаларда ўзаро боғлиқ ҳолда тараққий этаётган давлатларни ўзида жам қилган жаҳон ҳамжамиятини оммавий миграция оқимларидан ҳоли тарзда тасаввур қилиш қийин. Зеро, статистик маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кун жамиятида мигрантлар жамияти тобора устунлик касб этмоқда. БМТ томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, айни пайтда сайёрамиз аҳолисининг ҳар 7 нафаридан бирини айнан муҳожирлар ташкил этмоқда. Уларнинг йиллик пул ўтказмаларининг умумий айланмаси эса, 350 миллиард долларга тенг бўлиб, мазкур кўрсаткич, ривожлаланётган давлатларга моддий кўмак беришга йўналтирилган сарф-харажатлардан сезиларли даражада юқоридир.

Сўнгги йилларда кузатилаётган жараёнлар миграцион оқимлар кўламининг муайян давлат ва минтақалар мисолида барқарор ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. 2020 йилда БМТ томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, халқаро муҳожирлар, тарихий максимал даражага етган бўлиб, уларнинг умумий сони 272 миллион кишини, яъни Ер юзи аҳолисининг 3,5%ни ташкил этмоқда.

Айни пайтда, миграция ҳодисасининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари нуқтаи назаридан Яқин Шарқ минтақасига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Зеро,

бир томондан, мазкур минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига кўра, миграцион жозибадорлиги юқори бўлган бир қатор давлатларни ўзида жамлаган бўлса, бошқа томондан, ушбу минтақанинг айрим давлатларида давом этаётган беқарор вазият унинг доимий инсон ресурсларига бой бўлган донорга айланишига сабаб бўлмоқда. Бунда Сурия Араб Республикаси етакчилик қилаётгани ҳеч биримиз учун сир эмас. Сабаби, 2011 йилдан буён давом этиб келаётган фуқаролар уруши даврида мазкур давлатни тарк этишга мажбур бўлган аҳоли сони 10 миллиондан ортиқни ташкил этган. Юқоридагилар билан бир қаторда, Саудия Арабистони Подшолиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон ва Ливан каби давлатлар мигрантларни қабул қилиш бўйича етакчилик қилиб келмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Европанинг кўплаб давлатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида араб диаспорасининг таъсири тобора ортмоқда. Юқорида келтирилган асосларга таянган ҳолда, Яқин Шарқ минтақаси халқаро миграция жараёнларида алоҳида ўринга эга эканлигини ишонч билан айтиш мумкин. Дастлаб “диаспора” тушунчасига жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор қаратилмаган. XX асрнинг охирларига келиб, диаспора тушунчаси трансмиллий хусусият касб эта бошлади ва тез суръатларда кенг омманинг муҳокамалар объектига айланиб улгурди.[1]

Маълумки, Яқин Шарқ минтақаси ўз ичига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ва аҳолининг этно-конфессионал таркибига кўра турлича бўлган 20 дан ортиқ давлатни ўз ичига олган. Шунга кўра, тақдим этилаётган тадқиқот иши доирасида миграция муаммоси Баҳрайн, Миср, Яман, Иордания, Ироқ, Қатар, Қувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон, Фаластин, Саудия Арабистони ва Сурия каби Яқин Шарқ Араб давлатлари мисолида ўрганилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Минтақада кечаётган миграцион жараёнлар таҳлили асосида қуйидаги масалалар аниқланди:

1. Миграцион жараёнлар муайян давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига сезиларли тарзда таъсир кўрсатади. Миграция маълум маънода, жамиятнинг иқтисодий равнақига хизмат қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Зеро, аҳоли миграцияси билан боғлиқ сабаблардан бири, кишиларнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш истаги билан боғлиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мавжуд ҳолат муҳожирларнинг билим ва малакаси, маълумоти, касбий кўникмалари, хорижий тилларни ўзлаштирганлик даражаси, ёши, жинси, оилавий аҳволи ҳамда жалб қилувчи инвестицион оқимлари ҳажми кабиларга кўра қабул қилувчи ёки юборувчи давлатлар учун ижобий ва салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.[2]

2. Бугунги кунда Яқин Шарқ Араб давлатларидан ҳаракатланувчи энг муҳим эмиграцион каналлар сифатида меҳнат эмиграцияси, тижорат эмиграцияси, мажбурий эмиграция, интеллектуал эмиграция (яъни, олимлар ва юқори малакали мутахассисларнинг хорижга чиқиб кетиши, шунингдек, нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиш истагидаги ёшларнинг эмиграцияси) ҳамда оила ва қариндошлик муносабатлари билан боғлиқ миграция кабиларни келтириш мумкин.

3. Муҳожирлар муайян давлат ҳудудига бориб жойлашгач, табиийки ўз давлати билан доимий алоқада бўлади. Бугунги кунда мигрантларни ўз давлатлари билан ўзаро муносабатларини қуйидаги шаклларда давом этаётганини кўриш мумкин: пул ўтказмаларини ташкил этиш, инвестиция киритиш, ўз давлатининг инвестиция, тижорат ва савдо соҳаларидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилиш, ўз юртида ишлаб чиқилган давлат облигацияларини сотиб олиш, мавжуд имконияти ва интеллектуал салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, инсон капиталини шакллантириш ва технологияларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, таълим ва илм-фан соҳасидаги тармоқларни тараққий эттириш кабилар шулар жумласидандир.[3] Тадқиқот давомида келиб чиқиши Яқин Шарқ Араб давлатларига тегишли бўлган муҳожирларнинг бугунги кунда ўз давлатлари билан, аввало иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиб келаётгани кўзга ташланди. Буни, меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари Яқин Шарқ давлатлари валюта заҳираларини шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим манбалардан бири бўлиб қолаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, миграцион жараёнлар ўз ортидан давлат равнақига хизмат қилувчи бир қатор ижобий ва салбий омилларни келтириб чиқаради. Демография ва аҳоли миграцияси бўйича етакчи мутахассислардан бири С.В. Рязанцевнинг фикрича, меҳнат миграцияси юборувчи ва қабул қилувчи давлатларга ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан идеал шартларда ижобий таъсир кўрсатади:

Меҳнат мигрантларини юборувчи давлатлар учун:

- мигрантларнинг пул ўтказмалари ҳисобидан давлатда мавжуд тўлов баланси тақчиллигини камайтиришга эришилади;
- муайян соҳалардаги маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми ортади;
- хорижий давлатлардаги бандликни таъминлаш борасида хизмат кўрсатилиши ҳисобидан бюджет тушумлари ҳажми ортади;
- фуқаролар малакасининг ошиши ва ходимнинг мутахассисликка эга бўлиши ҳисобидан янги касблар ўзлаштирилади;

Муҳожирларни қабул қилувчи давлатлар учун:

- муҳожирларнинг муҳим саналган туманлар бўйлаб мақсадли тақсимоти ҳисобидан худудий бирликларнинг иқтисодий раўнақи ортади;

- ишчи кучига ҳақ тўлаш ҳажми қисқариб, уларнинг тақчиллиги борасидаги муаммолар бартараф этилади;

- хорижлик ишчиларнинг тежамкорликка мойиллиги ҳисобидан нарх-наволар ўсишининг секинлашуви кузатилади;

Миграцион жараёнларнинг Яқин Шарқ Араб давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бир қатор қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Миграция бир вақтнинг ўзида жамиятнинг иқтисодий ривожига хизмат қилувчи омил бўлиш билан бирга, унинг бу борадаги кўрсаткичларини намоён қилишга ҳам хизмат қилади. Юқорида таъкидланганидек, мавжуд жараёнларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлари мавжуд.

Миграциянинг давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

- амалга ошириладиган пул ўтказмалари ҳисобидан аҳоли орасидаги қашшоқликнинг оғир оқибатлари бартараф этилади;

- муҳожирларнинг пул ўтказмалари ҳисобидан давлатнинг ички жамғармалари ҳажми ортиб, молиявий тақсимот амалга оширилади;

- қабул қилувчи ва юборувчи давлат жамоалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аҳамияти ортади;

- таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг молиялаштирилиши ҳисобидан инсон капиталининг шаклланишига хизмат қилади;

- юқори малакали шахслардан иборат қатламнинг эмиграцияси ёки ривожланаётган давлатларда “миялар кўчиши” натижасида давлатда иқтисодий ва сиёсий харажатлар ҳажми ортади;

- ривожланган давлатларга муҳожирлар оқимининг ортиши ортидан интеграция муаммоси авж олади;

- оилаларда гендер роллари ва қадриятларининг ўзгариши қабила шулар жумласидандир.

2. Бугунги кунда жаҳонда кузатиладиган демографик вазият аксарият ривожланган давлатларда меҳнат ресурслари ҳажмини ошириш ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилишнинг ягона манбаи сифатида етакчи барқарор иқтисодий тараққиёт омил сифатида намоён бўладиган халқаро аҳоли миграциясини кўрсатиш мумкин эканлигига олиб келди, бу эса муҳим омил бўлиши мумкин. Шу ўринда, саводи паст ва ижтимоий

химояга муҳтож аҳоли қатламининг оммавий тарзда Европага кириб келиши, иқтисодий ва ижтимоий тизимлар фаолияти ва ривожига салбий таъсир кўрсатиб, охир-оқибатда бутун жамият учун оғриқли оқибатларни келтириб чиқармоқда.[4] Ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сони меъёридан кўп бўлган Жануб давлатларида аксарият ҳолларда “миграцион донорлик” мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда мавжуд давлатлардаги иқтисодий инфратузилма ва меҳнат бозоридаги ички зиддиятни бартараф этишнинг самарали манбаларидан бирига айланмоқда.

3. Яқин Шарқдаги Араб давлатлари билан боғлиқ эмиграцион каналлар сирасига куйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнат эмиграцияси;
- тижорат эмиграцияси;
- мажбурий эмиграция;
- интеллектуал эмиграция (бунда, олимлар ва юқори малакали мутахассислар билан биргаликда, нуфузли таълим муассасаларида таълим олиш мақсадида хорижга чиқиб кетувчи ёшлар назарда тутилмоқда);
- оилавий ва қариндошлик ришталарига асосланган миграция қабила шулар жумласидандир.

4. Яқин Шарқ давлатларини жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига кўра, тўрт гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

➤ Форс кўрфази давлатлари (Ироқдан ташқари) қазиб олиш саноати улуши 70%дан ортиқ бўлган бирламчи давлат секторида яққол устунликка эга бўлган давлатлар гуруҳини ташкил этади. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши 1-3% доирасидадир. Нефть экспортига таянган ҳолда фаолият юритувчи бу қаби давлатлар учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ ҳажми юқори кўрсаткичга эга бўлади;

➤ иккинчи гуруҳ давлатлари сирасига қайта ишлаш саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида юқори улуш (16дан 46%гача) га эга бўлган давлатлар киритилган. Мазкур давлатларда қуруқ иқлимнинг ҳукмронлиги ва аграр муносабатларнинг замон талабларига мос тарзда ривожламаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги соҳасида муайян муаммолар (озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги) кўзга ташланади.[5] Қайта ишлаш саноатининг муҳим тармоқларида замонавий технологиялар тақчил бўлгани боис, ҳунармандчилик корхоналарига алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, ЯММ ҳажми кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлади. Мазкур гуруҳ вакиллари сирасига Ироқ ва Яман қаби давлатларни киритиш мумкин.

➤ навбатдаги гуруҳ халқ хўжалигида учинчи даражали сектор етакчи бўлган (65% дан юқори) давлатлардан иборат бўлиб, бунда иқтисодий самарадорлиги мавжуд

салоҳиятига мос бўлмаган Иордания ва Ливан каби давлатларни ҳақида сўз юритиш мумкин.[6] Ушбу давлатларда ишлаб чиқариш тармоқлари иккинчи ўринни эгаллайди. Мавжуд ҳолатни иқтисодий характерга эга бўлмаган омилар, яъни минтақалараро можаролар ва низоли вазиятларнинг давом этаётгани билан билан боғлаш мумкин.

➤ сўнги, тўртинчи гуруҳга халқ хўжалигида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўзаро тенг нисбатда устунликка эга бўлган БАА, Эрон ва Қувайт кабиларни киритиш мумкин. Ушбу давлатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ ҳажми энг юқори кўрсаткичларда намоён бўлади.

Умуман олганда, минтақа давлатлари ривожланиш кўрсаткичлари ва ривожланиш салоҳиятига кўра бир-биридан ўзаро фарқланади. Минтақада иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига кўра, тезкор темпларда ривожланаётган САП ва БАА каби давлатлар билан бирга, ривожланиш кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган, иқтисодий тараққий этмаган Ироқ ва Яман каби давлатлар фаолият юритмоқда.

5. Минтақанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, муҳожирлар оқимининг шаклланишига бир қатор омилар таъсир қилади. Яқин Шарқ Араб давлатлари фуқароларининг миграцион жараёнларга жалб этилиш сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кўпсонли ички ва ташқи ҳарбий можаролар;
- ҳукумат томонидан юритилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг халқнинг хоши-иродасига тўла мос эмаслиги кабиларни киритиш мумкин.

Низоли вазият ва молиявий инқирозлар шароитида минтақа давлатлари бир вақтнинг ўзида миграцион жараёнларда:

- донор-давлат;
- мигрантлар учун транзит давлат;
- қабул қилувчи давлат сифатида миграцион жараёнларнинг иштирокчисига айланишлари мумкин.

Яқин Шарқ давлатларидаги миграцион жараёнларнинг шакл ва йўналишлари хусусида сўз юритиб, бунда 2015 йилдан буён Европа алоҳида эътибор марказида эканини таъкидлаш жоиз. Яқин Шарқ халқларининг миграцияси тарихида қай йўсинда бўлишидан қатъий назар, Европага етиб олиш истагида бўлган муҳожирлар оқимининг бу каби юқори кўрсаткичи бўлмаган. 2015 йилнинг ўзидаёқ, Ўртаер денгизи орқали Европага кириб борганлар сони 350 минг кишини ташкил этган бўлиб, 2014 йил билан қиёслаганда, бу кўрсаткич унинг шу даврига нисбатан 60 %га юқори эканини кўриш мумкин.[7] Бугунги кунда, Яқин Шарқ давлатлари муҳожирларини қабул қилувчи асосий давлатларга

Австрия, Венгрия, Италия, Франция, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Швеция ва Туркия каби давлатларни киритиш мумкин.

6. Яқин Шарқ давлатларига тегишли араб диаспораларининг давлатлар кесимида жойлашуви ўрганилганда, араб эмигрантларининг дунё бўйлаб нисбатан кенг ёйилгани аниқланди. Бунда, АҚШ, Ғарбий Европа ва Жанубий Америка давлатлари, шунингдек, Япония ва Жанубий Корея каби давлатлари етакчилик қилади. Бугунги кунда араб эмигрантларининг умумий сони 47 млн.дан ортиқ кишини ташкил этмоқда. “Saudi Aramco World” нашрида чоп этилган маълумотларга кўра, уларнинг катта қисми Бразилияда истиқомат қилади. Жумладан, 7 млн.дан ортиқ аҳоли вакилларининг келиб чиқиши араблардан бўлиб, бунда Сурия, Ливан ва Фаластин фуқаролари кўпчиликти ташкил қилади. Буни миграцион жараёнларнинг Усманийлар сулоласи ва 1-жаҳон урушидан кейинги йилларда авж олгани билан боғлаш мумкин. Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотларига таянган ҳолда, 2021 йилнинг бошларидан буён Яманда давом этаётган жанговар ҳаракатлар натижасида мазкур давлатни 67 мингга яқин аҳоли тарк этганини кузатиш мумкин. Яманда давом этаётган беқарор вазият ортидан юзага келаётган энг йирик миграцион оқимлар Маариб, Шабва ва Абян вилоятларида кузатилмоқда.[8]

ХУЛОСА

Австралияда ҳам араблар жамоаси мавжуд бўлиб, араб тили давлат бўйлаб тарқалишига кўра, 4-ўринни эгаллайди. Буни Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. АҚШда истиқомат қилувчи арабларнинг катта қисми Миср, Сурия, Ироқ, Ливан, Марокаш, Иордания ва Фаластин ҳиссасига тўғри келиб, 3,7 млн.ни ташкил этади. Бугунги кунда Францияда сони жиҳатидан 2-ўринни эгаллаган араб диаспоралари мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, миграцион жараёнлар Яқин Шарқ Араб давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Халқаро майдонда кузатилаётган жараёнлар яқин йиллар ичида ушбу таъсир доирасининг янада кенгайишини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Химси Марам. Роль миграции и диаспор в социально-экономическом развитии Арабских стран Ближнего Востока. // Автореф. дисс. канд.экон.наук. – Москва, 2020. – С.7.

2. Impact of Migration on Economic and Social Development: Review of Evidence and Emerging Issues. Dilip Ratha, Sanket Mohapatra and Elina Scheja, 2011. <https://elibrary.worldbank.org/doi/abs/10.1596/1813-9450-5558>

3. Рязанцев С.В., Безвербный В.А., Химси М. Страны арабского Ближнего Востока в мировой экономике: социально-демографические и экономические аспекты // Научное обозрение. –2019. – № 1-2. – СС. 5-16.
4. Ионсев В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения. – Москва: Диалог-МГУ, 2017. – С. 210 с.
5. Нежинская О.Р. Проблема миграции в странах современного Ближнего Востока: причины и последствия. // Символ науки. – 2018. – № 4. – СС. 123-130.
6. Хомси М. Формы и направления миграции из стран Ближнего Востока в 1990-2017 гг.// Вестник Российского университета дружбы народов. – № 3. 2018. – СС. 479-519.
7. Аверин Э.Д. Оказывает ли миграция положительный эффект на развитие // Ближний Восток в мировой экономике и политике. – 2017. – № 13. – СС. 72-86.
8. MOM: С начала года свои дома в Йемене покинули более 67 тыс. человек.// URL: <https://www.aa.com.tr/ru2379315>
9. Iskandarovna, M. D. (2019). Factors affecting the development of migration flows and measures taken by european countries to address the problem. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 8(3), 133-136.
10. Iskandarovna, M. D. COMPARATIVE ANALYSIS OF MIGRATION PROCESSES IN NORTH AFRICAN COUNTRIES. *SCIENCE EDUCATION PRACTICE*, 81.